

ИНТИҚОМ ЖАЗО НАЗАРИЯСИ

Розиков Илхом Истамович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси,

Бухоро давлат университети ўқитувчиси, адвокат, медиатор.

+9989432321805 ilhomroziqov5@gmail.com<https://doi.org/10.5281/zenodo.18926996>

Аннотация. Мазкур тақолада жиноий жазо назарияларнинг тушунчаси ва ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, бу борада олимларнинг фикрлари таҳлил этилган. тақолада жазо назарияларининг моҳиятини яхшироқ англаш учун жазонинг тарихий ривожланиши, мақсадлари ва айбдор шахсга таъсири ҳақидаги асосий назариялар ва қарашлар таҳлил қилинади, шунингдек уларнинг асосида жазонинг моҳияти ва унинг мақсадларини англаш ҳозирги вақтда жиноят қонунчилигида жазо ҳисобланмайдиган жиноий-ҳуқуқий характердаги бошқа, муқобил чораларнинг моҳияти аниқланади. Уларни амалда қўллаш муаммоси ҳақида фикр билдирилган.

Kalit so'zlar: jazo, qasos, intiqom, davlat nazorati, jamoat nazorati, jazoning maqsadi

RETRIBUTIVE THEORY OF PUNISHMENT

Abstract. This article examines the concept and distinctive features of theories of criminal punishment and analyzes the views of scholars on this issue. In order to better understand the essence of punishment theories, the article analyzes the historical development of punishment, its objectives, and the main theories and approaches concerning its impact on the offender. Furthermore, on the basis of these considerations, the essence of punishment and its purposes are explored, and the nature of other alternative measures of a criminal-law character, which are not regarded as punishment in modern criminal legislation, is clarified. The article also presents views on the problems related to their practical application.

Keywords: punishment, retribution, revenge, state control, public oversight, purpose of punishment.

Жазо назариясининг эволюциясини ўрганиш жараёнида шунга амин бўламизки, дастлаб жамиятдаги тартибузарларни жазолаш интиқом (қасос олиш) шаклида амалга оширилган. Инсоният тарихи жиноий қонунчилигининг илк босқичларида жазолаш фаолияти жиноий ҳаракатлар қурбонлари (жабрланувчилар) томонидан амалга оширилган¹. Жазо жабрланганлар қасоси сифатида амалга оширилиб, унга қасос олиши учун жамоадошлари ёрдам беришган.

Аста-секин жамоалар (уруғлар, қабилалар) ҳуқуқбузарларга нисбатан жазо бериш вазифасини ўз қўлларига ола бошлаганлар. Мазкур ҳолатда жабрланувчининг жиноят содир этган шахсдан қасос олиш ҳуқуқи иккинчи ўринга чиқа бошлаган. Аммо тажовуз бошқа жамият аъзоларидан келиб чиққан бўлса, кўпинча жамоалар ўртасидаги уруш вазиятини келтириб чиқарган. Бунга чек қўйиш учун кучли давлатга айланган ҳукмрон ҳокимиятга бирлашиш зарур бўлган. Ҳокимият "жазолаш, ҳуқуқий таъсир чоралари ва мажбурлов чораларини қўллаш бўйича бошқа нарсалар қатори суд ишларини олиб боришда худудий монополия" га айланган.²

¹ Фойницкий. Учение о наказании. 1889. стр. 38-48. 50-51. Уголовно-правовая доктрина о соучастии. Юр. Вестн. 1891 №. стр. 3, 10-11. 17-18. 20-21.

² Тойнби. Г.С. Померанц//Новая философская энциклопедия: в 4 т./ пред. науч.-ред. совета В.С. Стёпин.— 2-е изд., испр. и доп.— М.: Мысль, 2010.— 2816 с.

Мазкур жазо назарияси энг қадимги чоралар ҳисобланиб, “Талион ҳуқуқи” (“қонга - қон, жонга - жон ҳуқуқи”) номини олган қасос қонунининг айрим элементлари Ҳаммурапи (милоддан аввалги 1793—1750 йилларда Бобил ҳукмдори томонидан тошга ёзилган) қонунида сақланиб қолган. Бу ҳам уруғчилик тузумидан қолган эски ҳуқуқ қолдиқларидан биридир. Чунончи, жабрланувчининг суягини синдирган одамнинг ҳам бирор суяги синдирилган. Қонуннинг бу моддалари қадимги яҳудийларнинг: “майиб қилганни майиб қил”, “қонга - қон, жонга – жон” шиорларига айнан ўхшашдир.

Ҳаммурапи қонунининг бошқа моддаларида қадимги урф - одат ҳуқуқининг қолдиқлари қулдорлик давридаги ҳуқуқ қоидалари билан уйқаш бўлиб кетган. Чунончи, қонуннинг уй қурган одамга пул тўлаш ва қурилган уй учун унинг жавобгар эканлиги ҳақидаги моддаларида ушбу одамнинг маълум ҳажмдаги иши учун қонунда қатъий белгиланган миқдорда ҳақ олиш ҳуқуқи тўғрисида айтилади. Бироқ, шу билан бирга, қурувчи қурган уйининг сифати (мустаҳкамлиги) учун жавобгар бўлган. Агар у қурган уй қулаб, уй эгасини босиб қолиб ўлдирса, уйни қурган одам ҳам ўлдирилиши лозим бўлган.

Уй қулаб, уй эгасининг ўғлини босиб ўлдирса, у ҳолда уй қурган устанинг ўзи эмас, балки унинг ўғли ўлдирилган. Уй эгасининг қули уй тагида қолса, бу ҳолда уй қурган уста ўлган қул ўрнига бошқасини бериши талаб этилган. Бу қулдорлик ҳуқуқининг тамомила янги элементи бўлиб, унга кўра, қулга буюм каби қаралиб, унга етказилган зарар қулнинг хўжайинига тўланган. Уруғчилик тузуми давридаги қадимги урф-одат ҳуқуқидан анча фарқли ўлароқ қулдорлик даврининг янги ҳуқуқи ана шу тариқа ташкил топган. Янги ҳуқуқ, хусусан, Ҳаммурапи қонунининг аҳамияти шундан иборат бўлганки, қулдорлик ҳуқуқининг шу янги элементлари уруғчилик тузумининг қолдиқларини янада емиришга ва умуман қулдорлик жамиятини мустаҳкамлашга бир қадар кўмаклашган. Шундай қилиб, қулдорлик жамиятининг янги ҳуқуқи Ҳаммурапи қонуни орқали тартибга солинган ва такомиллашган.³

“Интиқом” назарияси ёки “Қасос” назарияси жамиятдаги кўплаб одамлар томонидан қабул қилинганидек, жиноятчига жинойий жазо тайинлашнинг энг содда, аммо ўйлаб топилмаган дастлабки назарияси ҳисобланади. Бу жуда кичик бир Талион қонунлари деган таълимотга асосланган бўлиб, “кўз учун кўз” деган маънони англатади.

Қадимги Рим давлатини ҳуқуқий нормалари бошқа шахслар томонидан бузилган ҳуқуқларни тиклаш, яъни ҳуқуқ бузилишидан олдинги бўлган дастлабки ҳолатига қайтаришга катта эътиборни қаратган. Рим халқи бошқа халқлар каби бузилган ҳуқуқларни давлат органлари орқали, айниқса давлат судининг вужудга келишига қадар, ҳуқуқ бузилишларидан ўзини-ўзи ҳимоя қилиш институти орқали ҳимоя қилганлар. Улар ўз ҳуқуқларининг бузилганлигини билишгандан сўнг, энг аввало, ҳуқуқий муносабат иштирокчиси ўз кучига, илмига, қариндошларига суянган ҳолда ва бошқа хусусиятларидан фойдаланиб, ўзини-ўзи ҳимоя қилишга киришган.

Агар унинг бир ўзи бузилган ҳуқуқни тиклай олмаса ёки унинг қайтадан содир этилишини тўхтата олмаса ҳамда содир этилиши ҳолатларини йўққа чиқариш муносабатларини таъминлай олмаса бундай ҳолатда ўзининг оила аъзоларини ҳам кўмакка чақирган. Жамият тараққиётининг юқори босқичга қадам кўйиши билан ўзини-ўзи ҳимоя қилиш институти, яъни индивидуал асосида, ёввойилик, варварлик усулидаги қурашлар, қаршилик кўрсатишлар ўз моҳиятини йўқотиб борган.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент Давлат шарқшунослик институти “Хорижий мамлакатлар тарихи” кафедраси, Умумий тарих. Ўқув қўлланма .Тошкент – 2009.

Унинг ўрнига шартномага назариясига кўра интиқомлилик асосида, давлат томонидан бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муносабатлари келиб чиққан, лекин бу муносабатларнинг тўлиқ кучга киришига қадар, барибир ривожланган Рим ҳуқуқида ҳам ўзини-ўзи ҳимоя қилиш институти мавжуд бўлиб қолган. Бу институт асосидаги ҳаракат фақат манфаатдор бўлган шахслар томонидан ўз фойдаларига фавқулодда ҳолатлардагина қўлланиши лозим бўлган ҳаракатларни аниқлаб, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш бирданига тортиб олинган мулкни эгасига қайтарилишидек, тез орада бажариладиган муносабатлардан иборат бўлган.

Бу муносабатлар бузилган ҳуқуқни тиклаш, унинг бошқа содир этилмаслигини таъминлаш ва содир этилган ҳолатларни йўққа чиқариш, уни содир этадиган ҳаракатларни олдини олиш масалаларидан иборат бўлган Рим ҳуқуқида ўзини-ўзи бошқариш институти деганда, жисмоний кучига ёки маънавий ақлига таянган ҳолда қонунбузарликни тўхтатишга айтилган. Ўзини-ўзи ҳимоя қилиш - мажбурлаб куч ишлатиш орқали ифода этилишига рухсатсиз ноқонуний асосдаги ҳаракатларнинг вужудга келиши натижасида пайдо бўлган. Ҳуқуқ бузилган тақдирда уни тиклаш учун куч ишлатиш, ўзбошимчалик асосида бузилган ҳуқуқни тиклаш Рим давлатида асосан 389 йиллардан бошлаб ман этилган. Қарздор қарзини тўламасдан жабрланувчилардан қочмоқчи бўлса, жабрланувчи уни орқасидан қувиб, куч билан қарзни тўлашга мажбур қилган, ҳатто қарз тўланмаган тақдирда қарздорга илгари қўлланилган жавобгарликни қўллаши лозим бўлган. Агар зудлик билан тегишли чора кўрилмаса, оқибатда маълум зарар етказиладиган бўлса ёки ўзбошимчаликни бу кўриниши ноқулай бўлган ҳолатларни келтириб чиқарган. Айниқса, Император Марк Аврелий қонунларига асосан «жабланувчи ўзининг ҳуқуқий талабини қондириш» учун айбдорнинг мулкни тортиб олишни, яъни ўзининг бузилган ҳуқуқини ўзбошимчалик асосида тиклашни афзал кўрган бўлса, у мулкни қайта талаб қилиб олиш ҳуқуқини тўлиқ асосда йўқотган.

Жабрланувчи энг аввало, айбдор томонидан тўланиши ёки қайтарилиши лозим бўлган мулкни, ашёни аниқлаб судга мурожаат қилиши лозим бўлган. Ўзбошимчалик асосида бошқа шахсларнинг мулкни эгаллаб олиш ёки талаб қилиб олиш ҳуқуқига йўл қўйилмаган. Шундай қилиб ҳуқуқни ҳимоя қилиш ўзини-ўзи ҳимоя қилиш институти орқали давлат ва унинг органлари томонидан ҳимоя ҳилиш муносабатларига айланди.⁴

Кўпчилик, ўта оғир ва мудҳиш жиноятлар нуқтаи назаридан қаралганда, одамлар келажакда шу каби жиноятлар содир этилишининг олдини олиш учун бутун жамиятда огоҳлантирувчи омил ўрнатилишини таъминлаш учун бундай жазо чораларини қўллаш яхшироқ деб ўйлашлари мумкин.

Мусулмон ҳуқуқининг барча тадқиқотчилари қасос ва товон (дия) жазо турлари одам ўлдириш (қасддан ва эҳтиётсизликдан) ва турли даражада тан жароҳатлари (бунда қасд ва эҳтиётсизлик шакллари кўзда тутилган) етказиш каби жиноятларга қўлланилади деб ҳисоблайди. Шариатда бу “ жиноятга тенг жазо” тамойили деб ҳам юритилади. Қуръони Каримда “...ҳар қандай ёмонликнинг жазоси, худди ўзига ўхшаган ёмонликдир, яъни ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир”⁵.

⁴ Топилдиев.В.Р. Рим ҳуқуқи: юриспруденция бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун дарслик / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. -Т.: Янги аср авлоди. 2013. 43 45 б.

⁵ Қуръони Карим Т.: Чўлпон. 1992 йил 361 бет.

“Эй мўминлар, агар сизлар ўзингизга етказилган бирон зиён-захмат учун интиқом олмоқчи бўлсангизлар, у ҳолда фақат Сизларга етказилган зиён баробаринда интиқом олингиз”⁶-деб қайд этиб ўтилган.

Бақара сурасининг 178-оятда: “Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишининг озод қилиш муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бир оз авф қилинса, яъни қотилдан қасос олиш ўрнига, товон олишга рози бўлинса, у ҳолда яхшилик билан бўйинсуниш ва чиройли суратда томон тўлаш лозимдир”⁷ дейилган. Шунингдек, мазкур сураининг 179-оятда: “Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд жиноятлардан сақлансангизлар”⁸- деб қайд этилган. Демак, ҳар қандай киши қасосга дучор бўлишини ўйлаб, ўзини қотиллик қилишдан тияди деган ғоя устувор бўлган.

Аммо, биз баъзида шуни унутамизки, жиноятга интиқом (жавоб берадиган) ёндашуви жамиятни ибтидоий адолат тизимига айлантиради.

Интиқом назариясини чуқурроқ тушунишга ўтишдан олдин, биз иккита жуда муҳим таълимотни англашимиз керак. Улар: ижтимоий персонификация таълимоти ва тузатиш қасос таълимоти:

Жамият аъзоси ўта даҳшатли жиноятга дучор бўлганида, бутун жамият, худди битта шахс каби, жиноятни ўзларига нисбатан содир этилган деб ҳисобласа, ушбу шахсининг ҳимояси ёки адолатни талаб қилиш усули ёки уни мустақил равишда амалга ошириш орқали жамият персонификация қилинган ҳисобланади. Оддий сўзлар билан айтганда, жамият- кўпинча фавқуллодда мудҳиш жиноят содир этилса, шахс шаклини олади ва адолатга эришиш учун жамоавий йўл тутади.

Масалан: 1999 йил 16 февраль куни Тошкент шахрининг 5 та жойида содир этилган террористик ҳаракатлар иши бўйича мамлакат бўйлаб террористларга нисбатан одамларда норозилик кайфиятини келтириб чиқарди. Чунки, мазкур жиноят натижасида 16 киши ҳалок бўлган, 100 дан ортик одам жароҳатланган.

Агар адолатни излаётган жамият тегишли давлат органларидан жабрланувчига огоҳлантирувчи омил яратганлиги учун қасоскор (асл хатти-ҳаракатлар каби оғриқли ва хатто ундан ҳам кўпроқ) жазоларни қўллашни талаб қилса, бу тузатувчи қасоснинг бир шакли ҳисобланади.

«Интиқом адолатининг концепцияси турли усулларда қўлланилган, аммо уни қуйидаги иккита принципга асосланган одил судлов шакли деб тушуниш ўринлидир:

1. Ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг ўта оғир турларини, жамоатчилик учун хавфли оғир жиноятларни содир этганлар, маънавий жиҳатдан тенг жазога лойиклиги;
2. Айбсизларни қасддан жазолаш ёки ҳуқуқбузарларга нисбатан номутаносиб жазоларни тайинлаш ахлоқан ва маънавий жиҳатдан йўл қўйилмаслиги”.

Ушбу назария тарафдорларининг фикрига кўра, инсонлар жазони кўплаб турларини жорий қилишлари мумкин, аммо аслида ҳар бир жазо ҳақиқатан ҳам интиқом характериға эга бўлганлигиға гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Қонунбузарликлар туфайли етказилган зарарни ёки ижтимоий муҳитни бузилишларни бартараф этиш воситаларининг турлари эҳтимол компенсациондир, аммо уларнинг қалбларида жазолаш хусусиятиға эга эканлигини англаш қийин эмас.

⁶ Ўша манба -194-бет.

⁷ Қуръони Карим Т.: Чўлпон. 1992 йил 21 бет.

⁸ Ўша асар. -21-бет.

Интиқом назариясининг ижобий томонлари куйидагилардан иборат:

1. Жиноят содир этилмаслиги учун кучли тўсиқ вазифасини бажаради;
2. Жабрланувчига ахлоқий-маънавий адолатини тиклашга ёрдам беради;
3. Хуқуқни ҳимоя қилиш тизимига аҳолининг ишонч ҳиссини уйғотади.

Камчилик томонлари куйидагилардан иборат:

1. Баъзан жиноятнинг оғирлиги ёки енгилигига нисбатан номутаносиб бўлиб қолиши мумкинлиги;
2. Жамиятда қасос ва ўч олиш ҳисси ривожланади, ундан кейин бузғунчиликка мойилликни келтириб чиқаради;
3. Одамларни қийноққа солиш орқали, қонунбузарга тайинланган жазодан фойдаланган ҳолда, давлат ўз фаолиятида (бошқа шахсларга руҳий босим ўтказиш орқали) автократик вазиятга эришиши мумкин.

Ушбу бобга хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, қасос олиш (интиқом) ягона мақсад бўлиши мумкин эмас, чунки агар бунга йўл қўйилганда эди, унда одамлар чексиз равишда бир-бирларидан ўч олишлари мумкин бўлиб, қасоснинг ўзи жиноятга айланиши мумкин. Қасос олиш жиноят процесси иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятларининг кафолатланишини тўлиқ камраб олмайди, ишни ҳар тарафлама баҳолаш қобилиятига бўлган юксак савияли профессионал ходимлар шуғулланиши даркор. Шу муносабат билан қасос ҳозирги замон демократик хуқуқий давлатнинг замонавий тамойилларига мос келмайди. Шу ўринда буюк ҳинд қаҳрамони М.Гандининг “Кўз учун кўз бутун дунёни кўр қилади” деган машҳур ибораси таъкидлаб ўтиш лозим.⁹

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон республикаси президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247- сонли Фармони 14-банди, <https://lex.uz/docs/5459107>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 420-модда; 2017 й., 35-сон, 916-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685- сон).
3. Ўзбекистон республикасининг “Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 14 март куни ЎРҚ-530-сонли қонуни, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, <https://www.lex.uz/acts/111453>
5. Олий суд. Стат.уз. <https://stat.sud.uz/file/2021/>.

⁹ Международная жизнь, 01.02.2019, <https://interaffairs.ru/news/show/21555>.